

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 25-SENTABR, SESHANBA, 112 (8037)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahoali kelishilgan narxda.



"Шамс LTD" кўп тармоқли хусусий фирмаси 2004 йилда ташкил қилинган бўлиб, фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида, сифатли тугурт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 85 та янги иш ўрни яратилди. Бу иш ўринларига асосан қишлоқ жойлардаги хотин-қизлар ҳамда касб-хунар коллежи битирувчилари жалб қилинди.



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркеклар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон кубоги бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, Япония, АҚШ, Канада, Беларусь, Арманистон, Исроил, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия ва Афғонистон каби давлатлардан 100 нафардан зиёд дзюдо устаси голиблик учун куч синашди.



Қарши тумани ФХДБ бўлимида ташкил этилган "Ёш оила мактаби"да келин-куёвлар учун тиббиёт ходимлари ва ҳуқуқшунослар иштирокида очик мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Бундай тадбирлар янги ҳаёт бошлаётган ёш оилаларнинг мустақкам бўлишида аҳамиятлидир.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада кучли мактабга эга бўлган ҳамда Олимпия ўйинлари ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спорт курашини олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шугулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда тренер кадрларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу асосда мамлакатимиз тарма жамоалари учун ишончли захира шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясининг Тошкент шаҳрида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгиланган бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги идоравий спорт комплексига тегишли бинолар ва иншоотларнинг бир қисми негизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш истеъдодли курашчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш билан шугулланидиган ўз интернатида эга бўлган спорт-соғломлаштириш муассасаси сифатида ташкил қилинади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг умумий контингенти 60 нафар ўқувчини ташкил қилади, улар турар жой, тўрт маҳал овқат, спорт экипировкаси ҳамда махсус кийим-бош, спорт ускуналари ва анжумалари билан таъминланадилар.

3. Қўйилган Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур бўлган тақдирда спорт кураши бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда, курашчиларни спорт кураши соҳасидаги энг янги илмий-методик тавсияномалар асосида тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини юқори даражада ташкил қилиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг профессионал қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, замонавий спорт курашини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон тарма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Бирлашган кураш ускуналари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

Ўқувчи-курашчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун тажриба алмашиш бора-

сида спорт кураши бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини молиялаштириш қўйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари;

Спорт курашлари ассоциацияси маблағлари;

ҳомийлар маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик شوҳ кўчасида жойлашган спорт комплексининг тегишли бинолари ва иншоотларини, бошқа мулкларини, "Динамо" стадионини Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг балансига белгиланган тартибда бепул ўтказишлисини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг тузилмасини ва мактабга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартибин;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш нормативларини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машгулот, бошқа ҳужжатли ускуналар, жиҳозлар, замонавий компьютер техникаси, техник ҳамда транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мулкларнинг зарур рўйхатини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машгулот корпусининг қурилишини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг Низомни тасдиқлашнинг, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказишлисини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мак-

табининг юқори малакали мутахассислар билан таъминлашнинг, ўқув хоналарининг зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлашнинг;

икки ой муддатда илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлаш дастури тасдиқлашнинг; Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчилари тайёргарлигининг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши ва зарур ҳолларда тайёргарлик жараёнига тегишли туза-тишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустақамлашга қўмақлаш;

икки ой муддатда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг керакли ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебель ва анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техник ва транспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулк билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ҳомийлар билан биргаликда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда, Бирлашган кураш ускуналари халқаро федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқув-машгулот жараёнига Федерациянинг кадрлар ва ўқув-методик салоҳияти жалб этилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорга мувофиқ, 2013 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджети параметрларида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустақамлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг жорий таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

3 та хизмат автотранспортини, шу жумладан, битта автобус таъминоти учун лимит белгилансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 сентябрь

И.КАРИМОВ

Андижон Вилояти

Андижон вилоятида корхоналарни модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш натижасида импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлайдиган кўплаб янги корхоналар ишга туширилаётир.



Янги фаолият бошлаган «O'z Auto-Austem» Ўзбекистон-Жанубий Корея кўшма корхонаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташкил этилди. Мазкур корхонада мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Spark", "Lasetti" ва "Cobolt" русумидаги автомобиллар учун дисклар ва шасси қисмлари тайёрланмоқда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА



Янги қўшма корхона маҳсулотлари

Андижон шаҳрида барпо этилган мазкур корхонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва унинг тизимдаги корхоналар, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий мутахассислар иштирок этди.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳамда Жанубий Кореянинг "Austem KoLTD" компанияси ҳамкорлигида умумий қиймати 31,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа доирасида барпо этилган мазкур корхона автомобиллар учун йилгига 1 миллион данадан зиёд дисклар ҳамда 125 минг донна шасси қисмлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ушбу корхона фаолият бошлаши натижасида 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Корхона меҳнат жамоасининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Мураккаб технологик жараёнларнинг

коллекларда таҳсил олган йигит-қизлар томонидан амалга оширилаётгани эътиборга молик. Ёшларимиз ўз билим ва иқтидорини, юксак салоҳият эгаси эканини амалда намойн этмоқда.

– Ўтган йили коллежни тамомлаганман, – дейди ёш ишчи Сарварбек Сатторов. – Яқинда ушбу корхонада ишлаб бошладим. Қисқа давр ичида малакали мутахассислар кўмагида бажариладиган жараёнларни пухта ўзлаштириб олдим. Ҳозир ўз вазифамни бемалол бажармоқдаман. Ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз гурур бахш этадиган мустақил Ўзбекистонимизга ўз оқибатларини ишлаб чиқаришга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан бехад мамнунман.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ,
Хурсандбек АРАББОВЕВ
(ЎЗА) олган суратлар.

«Париод» – Халқаро Фестивалда Гран-при олди

Россиянинг Анапа шаҳрида бўлиб ўтган "Киношок – 2012" халқаро фестивалида таниқли ёзувчи Эркин Аъзам сценарийси асосида режиссёр Аюб Шаҳобиддинов суратга олган "Париод" фильми бош соврин – Гран-прига лойиқ топилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартдаги «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони юксак савиядаги экран асарларини яратиш, ижодкорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлақати-

тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, янги-янги бадиий савиясини ошириш борасида кенг қўламини ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг самарасида миллий фильмларимиз хорижда ҳам катта шухрат қозонмоқда.

"Киношок – 2012" халқаро фестивалининг асосий танловига МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари киноижодкорларининг 14 фильми намойиш этилди.

"Ўзбекино" Миллий

агентлиги буюртмаси асосида "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга оlingan "Париод" фильмида гурур, орийат, муҳаббат сингари чин инсоний туйғуларнинг кадр-қиймати ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмдаги бош ролни ёш актёр Зарина Низомиддинова ижро этган.

Ўзбек киноижодкорларининг навбатдаги ютуғи миллий кино санъатимизнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Қорақалпоғистон Республикаси

МАТОНАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

АМУДАРЁ ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИ ҲАР ЙИЛГИДАН-ДА МЎЛРОҚ ХИРМОН ЯРАТИШ МАҚСАДИДА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

Жорий йил деҳқончилик, хусусан, пахтачилик учун қўлай келди. Бундан саморали фойдаланган Амударё тумани пахтакорлари ҳам мўл ҳосил тўплашди. Айни кунларда пахта йиғим-терим мавсуми муваффақиятли давом эттирилмоқда. Мазкур йилда туман бўйича 16400 гектар майдонда гўза парваришланди. Пахтакорлар давлатта 33730 тонна пахта сотиш бўйича шартнома тузишганди. Мажбур имкониятлардан умумли фойдаланган туман пахтакорлари кўтарган хирмон шу кунларда белгиланган маррадан ошди.

Эришилган муваффақиятларда Президентининг 2012 йил 24 февралдаги «2012 йилда гўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта этиштиришнинг проноз ҳажмлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Чигит экиш ва гўза парвариши даврида барча агротехник тадбирлар, жумладан, бир текис унб чиққан гўза

да эътибор қаратилди. Пахтачиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиқларига туман ҳокимлиги, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан яратиб берилган шароитлар бугунги мўл хирмонга пухта замин яратди.

Давлатта пахта сотиш бўйича шартномавий режасини бажараётган фермерлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Энг қувонарлиси, туман фермерларининг кўпчилиги ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга бел боғламоқда. Бунинг учун пахта далаларида ҳосил ҳам, фермерларнинг имкониятлари ҳам етарли. Тумандаги қатор фермерларнинг пахта далаларида бўлиб, ўзини ҳам бунинг гувоҳи бўлди.

– Пахтачилик учун бундай қўлай

кедган йилни эслай олмаيمиз, – дейди тумандаги «Сапарбоев Кўзибой» фермер ҳўжалиги раҳбари Кўзибой Сапарбоев. – Жорий йилда 59 гектар ерда гўза парваришлад, ҳозиргача 180 тоннадан зиёд хомашё топишди. Жами ҳосилдорлиги 40 центнерга, пахта хирмонини эса 240 тоннага етказишга ҳаракат қилимиз.

Урта қалъа овулидаги «Юсуфхўжа» фермер ҳўжалигида ҳам мўл ҳосил этиштирилди. Тажрибали деҳқон Нурулла Яшимуродов раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалиги 115 гектар пахта майдонидан бугунги кунга келиб режадаги 250 тонна урнига, 350 тоннадан зиёд пахта топишди. Юксак хирмонга илгор теримчилардан Норгул Юсупова, Наргиза Худоёрова, Сафар-

гул Эшнйёзова, Жумабика Якубова, Муқаддас Олломова, Дилбар Жумабоевалар муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Фермер ҳўжалиги раҳбарининг таъкидлашча, далаларда яна 100 тоннага яқин пахта бор.

Қиличбой овулидаги Омонбой Ражабов бошқараётган «Ражабов Омонбой» фермер ҳўжалиги тумандаги энг илгор фермерлардан ҳисобланади.

– Бугунги кунда пахтачиликдан олган даромадимиз 230 миллион сўм бўлди, – дейди Омонбой Ражабов. – Шартномавий режадан ташқари яна 90 тонна пахта топишнинг режалаштирганимиз. Демак даромадимиз яна ҳам кўлаяди.

Амударёлик пахтакорлар пахта хирмонини 43 минг 730 тоннадан



– Ўз вақтида териб оlingan ҳосилнинг сифати ҳам яқин бўлади, – дея ҳақиқат бўлишида теримда бош-қош бўладиган Баҳор Отажонов ва фермер Омонбой Ражабов.

омилиларидан бири пахтачининг жаҳон бозорига тутадиган ўрни ва аҳамиятини яқини тушунган туман пахтакорларининг хирмони кун сайин юксалиб бормоқда.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири,
Маҳмуд ШОМУРОДОВ олган сурат.

ЁШ ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

“ЎЗБЕКИСТОН” СПОРТ МАЖМУАСИДА ХАЛҚАРО ДЗЮДО ФЕДЕРАЦИЯСИ (IJF), ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ОЛИМПИА КЎМИТАСИ ҲАМДА ДЗЮДО ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДЗЮДО БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖАҲОН КУБОГИ БАҲСЛАРИ ЯКУНЛАНДИ.

Мазкур мусобақада мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, Япония, АКШ, Канада, Беларусь, Арманистон, Исроил, Қозғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия ва Афғонистон каби давлатлардан жами 118 нафар дзюдочилар қатнашди. Ўзбекистоннинг асосий рақиби бўлган Япония билан бўлиб ўтган “Гран-при” туркумидаги халқаро турнирлардан бирига мезбонлик қилиш ҳуқуқининг Ўзбекистонга берилгани ҳам юртимиз спорт салоҳиятининг яна бир эътирофидир.

Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионати таъриқдорлик кўрмоқда. Шу жihatдан пойтахтимиз мезбонлик қилган Жаҳон кубоги мусобақаси ёш спортчилар учун эса кўрик вазирасини ўтаб берди. Етакчиларсиз ҳам дзюдочиларимиз чакки натижа қайд этишмади. Эркакар ўртасидаги беллашуларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, тўртта кумуш ва саккизта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақанинг вазири 73 килограммга бўлган полвонлар баҳсида Ўзбекистонлик Мирали Шарипов шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ўтқир Қурбонов, Диёрбек Урозбоев, Ҳамиджон Мўминов ва Арсен Бабаев кумуш медални қўлга киритган бўлса, Авазбек Қўрғонов, Улғабек Норқобилов, Шухрат Арсонов, Эркин Дониёр, Сойиб Қурбонов, Фахриддин Шарипов, Болтаев



Болтаев ва Одижон Тулендибоев бронза медал билан тақдирланди. Хотин-қизлар ўртасида ҳамюртларимиздан Виктория Оззаева кумуш медални қўлга киритган бўлса, Нодира Гулова, Дилдора Убайдуллоева ва Шоҳиста Сафарова кучли учлиқдан жой олди.

Қашқарё Вилояти
Қарши шаҳрида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан “Йилнинг энг фаол ёш журналисти” республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

Ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллиги ва маҳоратини ошириш ҳамда улар орасидан иқтидорли ёшларни кашф этиш мақсадида ташкил этилган кўриктанловга журналистика соҳасида фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган ёшлардан 20 дан ортқ аризалар келиб тушди.



— “Қамолот” ЁИҲ Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу танловда фотожурналистика йўналиши бўйича иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритдим, — дейди “Дарё” газетасининг муҳбири Қамола Раҳимова. — Қаламга янада яхшироқ асарлар яратиш ниятидан.

Тадбир якунига кўра, телевидение, радио, матбуот, фото ҳамда интернет журналистикаси соҳаларида фаолият юритаётган беш нафар ёш журналист кўриктанловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўланмаларни қўлга киритди.

Ҳусан ТЕМИРОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИДА XIV ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИНИНГ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ, ШУНИНГДЕК, МАЗКУР МУСОБАҚАДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАР ВА УЛАРИНИНГ МУРАББИЙЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛДИ.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, мураббийлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раиси М.Бобоев, Миллий паралимпия ассоциацияси раиси А.Шарафуддинов, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ж.Ақромов маросимда сўзга чиқиб, спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришган юксак муваффақиятлари замирида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодчи баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор мужассам эканини таъкидлашди.



алимпия ўйинларида ҳам спортчиларимиз ўз маҳорати ва салоҳиятини намойиш этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.



Ҳусан, XIV Паралимпия ўйинларида енгил атлетика, дзюдо, пауэрлифтинг ва сузш мусобақаларида ўн нафар спортчимиз иштирок этиб, дзюдо беллашуларида юртдошимиз Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритди. Сузш мусобақасида қатнашган ҳамюртларимиз Кирилл Паньковнинг эса 100 метрга баттерфляй ва чалқанча усулда сузш мусобақаларида кўрсатган натижалари ҳакамлар томонидан Осиё рекорди сифатида баҳоланди.

XIV Паралимпия ўйинлари совриндори Ш.Халиловга “Ласетти” автомобили ва пул мукофоти топширилди. Шунингдек, XIV Паралимпия ўйинларида кучли сақкизликчи киришга муваффақ бўлган спортчилар ҳамда мураббийларнинг бир гуруҳи ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ҳамда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг 2012 йил 14 апрелдаги 183-сонли қарори ва 2012 йил 14 сентябрдаги 717-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига такроран қўйилмоқда:

соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилди.

ятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 6 (олти) ой мuddатда амалга оширилиши лозим.

тимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

1. Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Юқори Чирчиқ тумани Наврўз ҚФЙ Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дна 0,06 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 196 240 сўм.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2012 йил 12 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 29 октябр кuni соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 26 октябр соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносидан 2012 йил 31 октябр кuni соат 11:00 да очилади, 2012 йил 31 октябр кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов ғолиби аниқланади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти) ва 2012 йил 30 октябр кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Юқори Чирчиқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 6 (олти) ой мuddатда амалга оширилиши лозим.

Танлов ташкилотчиси - “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ.

Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносидан 2012 йил 31 октябр кuni соат 11:00 да очилади, 2012 йил 31 октябр кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов ғолиби аниқланади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк рекевизитлари: “KMSX” МЧЖнинг “Илак йўли банки” ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТПР:207122519.

Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносидан 2012 йил 12 октябр кuni соат 11:00 да очилади, 2012 йил 12 октябр кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов ғолиби аниқланади.

Танлов ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қорақамиш-1 кўчаси 1-А-уй. Тел: (8-371) 228-79-52, электрон почта: rieltstvo@inbox.uz. Расмий сайти: www.1kms.uz.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк рекевизитлари: “KMSX” МЧЖнинг “Илак йўли банки” ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТПР:207122519.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк рекевизитлари: “KMSX” МЧЖнинг “Илак йўли банки” ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТПР:207122519.

«UNIVERSAL AUCTION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ 2012 ЙИЛ 26 ОКТАБР КУНИ СОАТ 10:00 ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Риштон тумани СИБ томонидан, Фарғона шаҳар судининг 05.04.2012 йилдаги 1-72-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Риштон тумани ИИБда сақланаётган, 1990 й. и/ч “BMW-524” русумли, д/р 10 В 125 ДА, ранги оқ, бошланғич баҳоси 6 865 000 сўм. Автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмаган тақ-

дирда, мазкур мулкни сотиш бўйича такрорий савдо 2012 йилнинг 12 ва 27 ноябр кунлари бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Фарғона

шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Фарғона

камга тўлаши ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатил-

ган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; закат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Телефон: (+99895) 404-44-78, Гувоҳнома № 004059

ЭЪЛОНЛАР

Вниманию строительных организаций и предприятий!

АКИБ «ИПОТЕКА БАНК»

ФИЛИАЛА КАШКАДАРЬСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА:

Кап. ремонт административного здания “Ипотека банк” филиала Кашкадарьинской области.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 6 месяца.

Стартовая стоимость заказчика составляет 1.746.650.196 сум без НДС, 1.930.371.738 сум с НДС.

Финансирование осуществляется за счет: Собственных средств.

Заказчик: АКИБ “Ипотека банк” филиала Кашкадарьинской области.

Адрес: г. Карши ул. Мустакиллик дом 49. Тел: 771-07-77, 771-16-19, 771-16-14.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов – Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по адресу: г.Карши Ханабадское шоссе дом 46а.

Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов — 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу — г. Карши ул. Мустакиллик дом 49.

AMU BUKHARA IRRIGATION SYSTEM (ABIS) REHABILITATION PROJECT NOTICE NO. TA 7917-UZB PROJECT OF 2012-01

REQUEST FOR PROPOSAL FOR CONDUCTING SOCIO-ECONOMIC SURVEY FOR TA7917-UZB PROJECT

The main objective is a socioeconomic and gender assessment survey of the potential project impact. The proposed tasks of the survey are as follows: (i) Identifying key social problems and potential risks related to the Project, (ii) Identifying problems related to social and gender development, (iii) Social and gender assessment of the access of men and women to irrigation water and water use among different target groups. Identify vulnerable groups which defined with reference to the project context, (iv) Analysis of sector's social and gender development measures, (v) Review of current institutional set-up and identify the role and responsibility of relevant organizations (including women NGOs), which are dealing with increased share of women's participation in water resources sector, and (vi) Analyze beneficiaries, stakeholders and institutions and their possible impact on the Project activities.

Based on survey results, recommendations as well as mechanisms and strategies will be prepared, with which the Project may help to meet actual needs of the population and improve the strategic status of beneficiaries. The survey is to establish baseline data which will be included in ADB's Project document, and will be evaluated and monitored during project implementation.

The PPTA Team for the Amu Bukhara Irrigation System Rehabilitation Project invites proposals from reputed national NGOs/CSOs/Firms having extensive experience in managing and implementing social assessment activities to assist in carrying out a socio economic survey of beneficiaries and affected persons in the ABIS.

The selected subcontractor will review current sources of information and data to identify social development aspects and participation in the Project. The review will include both qualitative and quantitative indicators, such as population, economic activities, living standard, physical infrastructure, investments, land ownership, and condition of farms. The subcontractor will be contracted for a period of two (2) months from the date of commencement. Interested organizations should submit their Proposals in full and reach the undersigned on or before 1 October 2012 at 3.00 PM. Proposals received after the due date and time will not be considered for evaluation.

Terms of Reference, instructions, and forms for submitting a proposals are available as follows. Please contact:

Robert A. Mohammed, Team Leader — ADB PPTA 7917-UZB and/or Mr. Bahodir Rozhodjaev, Project Coordinator
Shahantokhur 1A, Tashkent 100128
Amu Bukhara Irrigation System (ABIS)
Rehabilitation Project, UZBEKISTAN
Tel: (+998 94) 9710026 | Fax: (+998 71) 2413852
Email: baxadird@gmail.com

Қашқадарё вилояти

2012 йил – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Янги «БАХТ УЙИ»ДА БАХТЛИ ОИЛАЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Мустақиллик йилларида ёш оилаларни давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши эса бу борадаги хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди.

Наврўза АБДУРАҲМОНОВА, Қарши тумани ФХДБ бўлими мудири.



Қаринлик ёшлар «Ёш оила мактаби»да.

Жаҳиша НОҚСОНОВА (ФХД) олган сурат.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги тантаналари арафасида Қарши туманидаги «Бахт уйи» ҳамда нотариал идора биносининг янгидан бунёд этилиши бизни ниҳоятда қувонтирди. Жорий йилнинг ўтган даврида бўлимимиз томонидан 1,1 мингга яқин никоҳ тантанали равишда қайд этилди.

Ҳар душанба кuni ФХДБ бўлимимиз қoшида тaшкил этилган «Ёш оила мактаби»да ёш келин-куёвлар учун тиббиёт хoдимлари, ҳуқуқшунос ҳамда тегишли мутахассислар иштирокида очик мулоқотлар, давра суҳбатлари тaшкил этилиб келинaпти. Ҳoзиргача бундай тадбирларда иштирок этган 1,3 минг нафардан ортиқ йигит-қизга соғлом турмуш тарзи, оила масъулияти ва мажбуриятлари ҳақида атрофлича тушунтириш берилди. Албатта, бундай тадбирлар янги ҳаёт бошлаётган ёш оилаларнинг мустаҳкам бўлишида аҳамиятлидир.

Реклама ва эълонлар

LIZINGGA SOTILAMAN

+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan

г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30. Тел.: (998-71) 148-80-80. Факс: (998-71) 268-66-25. e-mail: info@man-uz. www.man-uz

Сертификатланган

SUVMASH

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

НАСОСЛАР тайёрлайди ва таъмирлайди

«ЭЦВ» РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
«Д» РУСУМЛИ ЁТИҚ
«К» РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
«НК» НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел.: (998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08 Факс: (998-71) 295-51-08;
E-mail: office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru, sales@suv mash.uz, www.suv mash.uz

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банк (ОАЖ)

Сизларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан қутлайди ва қуйидаги янги миллий валютадаги мuddатли омонат турини тақлиф этади:

«МУРАББИЙ - 2012»

Сақланиш мuddати – 3 йил.
Фoцлар ойма-ой ҳисобланиб колмунал ва бошқа тўловларга (электроэнергия, иситиш, газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон, ўқиш учун, даволаниш учун ва бошқалар) ўналтирилади.

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальтёрез
- Подъемник БЛ-99
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей

маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек йули кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Производство ООО «Агро Пр»

для сада и огорода

для капельного полива

для всех типов растений

Выращивай и процветай с удобрениями NPK

тел.: (+ 998 98) 127-53-63
факс: (+998 71) 283-35-73
chemister@inbox.ru
www.agrofit.uz

«НАССО BEST BUSINESS» (ИНН 301988834), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства комитета Шайхонджарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Октеба 7, 24, ликвидировано (протокол собрания № 1 от 24.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 110-33-74.

Тошкент ш. Чиланзар тумани хозирчилик ТСРПИ томонидан (12.09.2011 й. реестр № 00725-06) рўйхатга олинган «PLOCARBUS» ХХВ (СТПР 207131143), ташкилий-қудрий шакли «PLOCARBUS» ММКА ўзгартирилган. Манзил: Чиланзор 1. Кичик Халқа йули кўч. 30-йў. Тел.: 130-08-84.

Тошкент ш. Улутга 1. ТСРПИ (реестр № 004045-01, 02.03.2012 й.) шайхонджар рўйхатидан ўтган «AGRO TECHNIC INTERNATIONAL» ХХ (СТПР 301734256) 24.09.2012 й.даги тўловсизликке 4-олинган бўлиб уга асосан тўлатилган. Давомида эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 078-07-16.

ООО «TORADI» (ИНН 200665060) зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства комитета Улутинского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар к-п-12 д. 3 №1, ликвидировано (протокол от 21.08.2012 г. № 1). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 956-27-23.

ООО «SHER KARGO TRANS SERVICE» (ИНН 301743070), зарегистрированное в Заңлиқласи р-ни Ташкентской обл., расположенное по адресу: Ташкентская обл., Заңлиқласи р-ни Эркин Қўй М-39, объект об уменьшении уставного фонда с 602 184 831 сум до 3 000 000 сум.

Утвержденный штатный, выданный ООО «GOLDF» (ИНН 203474258), зарегистрированное в Заңлиқласи р-не Ташкентской обл., расположенное по адресу: Большой узбекский Тракт № 39, считать недействительным.

Тошкент ш. Ўзбекистон тўлиқ хозирчилик «MIRNISO-SAGDAT» ХХВ (Устав фонд 21 405 000 сумдан 12 505 000 сумга камайтирилган ва «MIRNISO-SAGDAT» ММКА Ўзгартирилган. Манзиллар: +99891 134-00-34 телефон рақами сурали қабул қилинади.

Утверждено пенсионное удостоверение № 8151, выданное УВД Ташкентской обл. на имя Нуралиева Исмата Халматовича, считать недействительным.

ООО «VERITAS CONSULTING» (ИНН 302209454), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства комитета Мирабодского р-на г. Ташкента (реестр № 005662-03 от 26.02.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Мирсалиева д. 95, ликвидировано. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утвержден аттестат А № 455107, выданный в 1994 г. ш. № 18 Ўзбекистон р-ни Ташкентской обл. на имя Заңлиқласи Муҳаммад Садровичи, считать недействительным.

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси жамоаси газетанинг тахир ҳайати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоировга волидаи муҳтарамаси РАФИКА АЯНИНГ вафоти муносабати билан таъзия ихроқ этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Агрoнoат комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирилик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РҲИМОВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдихoб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сунаёт САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероф ҚУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул кoпи).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7023

Телефонлар: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисомий-саноий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавий ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@gambler.ru

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жаоабгор.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОСМУХАММЕДОВА

Газета оешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.05 15803 нускада босилди. Нашр индекси — 144

1 3 4 5